



FACTORS FOR PROTECTING THE MINDS OF THE YOUNGER GENERATION FROM THE THREAT OF RADICALISM

S.S. Saidjalolov

Associate Professor of the International Islamic Academy of Uzbekistan
<https://doi.org/10.5281/zenodo.14564497>

ARTICLE INFO

Received: 21th December 2024
Accepted: 28th December 2024
Online: 29th December 2024

KEYWORDS

Radicalism, violence, extremism, radical ideas, fanaticism, moderation, religious radicalism, the Holy Qurʼān.

ABSTRACT

The development of society and the modern world can be ensured only through an effective fight against radicalism, violence, and extremism. Radical organizations have been influencing the minds of peaceful society with their activities, propaganda methods and sometimes changing strategies from year to year. Unfortunately, in this situation, the religious factor, particularly the distorted interpretation of Islamic teachings, because of which religious fanaticism arises in society as a result of deviation from the original peaceful ideas of religion and the creation of false understandings.

ЁШ АВЛОД ОНГИНИ РАДИКАЛИЗМ ТАҲДИДИДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШ ОМИЛЛАРИ

С.С.Саиджалолов

Ўзбекистон халқаро ислом академияси доценти
<https://doi.org/10.5281/zenodo.14564497>

ARTICLE INFO

Received: 21th December 2024
Accepted: 28th December 2024
Online: 29th December 2024

KEYWORDS

Радикализм, зўравонлик, экстремизм, радикал ғоялар, мутаассиблик, мўтадиллик, диний радикализм, Қуръони Карим.

ABSTRACT

жамият ва замонавий дунё тараққиёти радикализмга, зўравонликка ва экстремизмга қарши самарали курашиш орқалигина таъминланиши мумкин. Радикализм руҳидаги ташкилотлар йилдан-йилга ўз ғояларини тинч жамият онгига ўз фаолияти, тарғибот усули ва баъзида воқеликка қараб ўзгарадиган стратегиялари билан таъсир кўрсатиб келмоқда. Афсуски, бундай ҳолатда дин омили, хусусан, ислом таълимотини бузиб талқин қилиниши, диннинг асл тинчлик ғояларидан чекка чиқиб нотўғри тушунчалар келтириб чиқариш натижасида жамиятда диний мутаассибликнинг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда.

Радикализм – кескин чораларга мойилликни англатади. Француз тилидан келиб чиққан бу атаманинг асл мазмуни илдиздир. Воқеликни тубдан ўзгартириш, универсал – мутлақ чора билан барча муаммоларни ҳал қилиш – радикализмнинг



моҳиятидир. XIX асрда Европада сиёсий атама сифатида шаклланган радикализм, кейинчалик, мутахассислар томонидан нафақат сиёсат, балки дин ва эътиқод соҳасида ҳам қўллана бошлади. Радикализмни кенгроқ таҳлил қилсак унинг турлари ёхуд келиб чиқиш омиллари бир нечта эканига гувоҳ бўламиз. Ёшлар орасида радикализм ва дин ниқобидаги экстремизмнинг юзага келиш омиллари ҳақида сўз борар экан, аввало, унинг тиббий, маданий, иқтисодий, ижтимоий, жинсий, ирқий, миллий, руҳий омиллари ҳақида сўз юритиш ўринли.

Тиббий омил ҳақида. Замонавий медицина ютуқларини инкор қилиш, расмий тиббиёт вакиллари: врачлар ва медикларга ишонмаслик, битта супер дори билан барча касалга даво топиш мумкинлигига ишониш. Бугун кўряпсиз, псевдомедицина вакиллари, сохта табиблар, алоҳида қобилятга даъвогар дуохон, азайимхон кабилар сабаб беморларнинг вақти, маблағи ва асосийси, касалликни ўз вақтида бартараф қилинмаслиги сабаб саломатлиги жиддий хатар остида қолмоқда.

Маданий омил – жамиятда қабул қилинган урф-одат ва анъана ҳамда қадриятларга ишонмаслик, ёт маданиятни устун кўриш ва уни ягона ҳаёт тарзи сифатида қабул қилиш. Бунинг оқибатида ижтимоий зиддиятларни келтириб чиқариш. Бугун “оммавий маданият” қанча-қанча ёшларни ўз тили, ўз қадрияти, ўзлигидан жудо қилмоқда. Бунинг олдини олиш учун миллий маданиятимиз, қадриятларимиз, анъаналаримиз тарғиботини кучайтириш.

Иқтисодий омил – жамиятда аҳоли, айниқса, ёшлар орасида кўзга ташланмоқда. Ҳамма қабул қилган иқтисодий асосий меъёрларни: ҳалол касб қилиш, ҳалол меҳнат қилиш, қонуний йўл билан бойлик орттиришни рад қилиб, қисқа муддатда тез бойиш йўлини кўзлаш. Бунинг оқибатида коррупция, ўғрилик, босқинчилик, давлат мулкани талон-тарож қилиш каби жиноятлар юзага келади. Ноанъанавий усулда тезда бойиб кетишни кўзлаган инсон: ё ноқонуний йўлни танлайди ёки фирибгарлар тузоғига илинади ёхуд одам савдоси қурбони бўлади.

Иқтисодий маданиятни шакллантириш: касб ва иш билан таъминлаш, пул топиш ва уни сарфлаш кўникмаларини шакллантириш мазкур муаммонинг ечимидир.

Ижтимоий омил – жамият билан, халқ билан, миллат билан бирга бўлишни мутлақ рад этиш, ўзига хос йўл излаш. Бахт-саодатни индивидуал, мустақил йўлини қидириш. Одатда бундай инсонлар натижага эришишлари мушкул бўлади. Турли хил ноқонуний гуруҳлар, жинсий тўда ва секталар асосчисига ёки қурбонига айланадилар. Меҳнат мигрантлари ва уюлмаган ёшларни ижтимоий тадбирлар, байрам ва шодиёналарга мунтазам жалб қилиш мазкур муаммони бартараф этишга ёрдам беради.

Гендер омили – омад ёки омадсизликни бирор жинс билан боғлаш. Эркак ва аёл ўртасидаги муносабатларда тенглик тамойилини бузилиши. Масалан, оиланинг барча ишларини аёл қилиши керак, деб ҳисоблаш. Ёки аёл хоҳлаган барча нарсани, бойлик ва сарватни эркак, албатта, муҳайё қилиши керак, деб ҳисоблаш. Рўзғордаги маиший ишларни келин зиммасига юклаб қўйиш. Европада аёлларга нисбатан тажовуз кучайгани сабаб, Фемицид – аёлларга нисбатан зўравонлик тушунчаси шаклланди ва феминистик – аёлларни муҳофаза қилишга қаратилган ҳаракатлар юзага келди. Гендер тенглиги, аёллар ва эркаклар ҳуқуқларини бирдек эътироф этишга қаратилган



тарғибот ва ташвиқот ишларини кўлами ва сифатини орттириш мазкур муаммони ҳал қилишнинг муҳим омилдир.

Ирқий омил – бирор ирққа нисбатан паст назар билан қараш, олий ирқ, олий насаб тушунчаларига эътиқод сабаб юзага келади. Асрлар давомида қора танли аҳолига нисбатан тажовуз сабаб расизм – ирқчилик муаммоси юзага келди ва айни пайтда жаҳон ҳамжамияти бу муаммодан холи эмас. Барча инсонлар тенглиги (Конституциянинг 19 -моддаси) борасидаги қарашларни аҳоли, хусусан, ёшлар онгига сингдириш мазкур муаммони ҳал қилиш омилларидандир.

Руҳий омил – бахт-саодат, роҳат-фароғатга эришиш учун кескин чораларни излаш. Бунинг оқибатида гиёҳвандлик, ичкиликбозлик, депрессия каби оғир ҳолатлар келиб чиқади. Қисқа муддатда, кескин чоралар билан руҳий оромни ишташ оғир муаммоларни келтириб чиқармоқда ва айрим ҳолларда суицид – ўз жонига қасд қилиш каби фожеалар юзага келмоқда. Руҳий-маънавий соғломлик асосларини ўргатувчи ва мустаҳкамловчи семинар-тренингларни тизимли ташкиллаштириш мазкур муаммони ҳал қилиш йўлларидадир.

Бу омиллар ёш авлод онгида **радикал тафаккур**нинг шаклланишига олиб келади. Радикал тафаккур экстремизм, одам савдоси, коррупция, гиёҳвандлик, миссионерлик, терроризм, суицид каби хатарларнинг юзага келишига олиб келади.

Радикал тафаккурнинг асосий омилларидан бири **депривация** (лотинча деприватио — йўқотиш, маҳрум қилиш) — асосий психофизиологик (жисмоний, ҳуқуқий, диний, фикрий (Гегель) ёки ижтимоий эҳтиёжларни қондириш қобилиятининг камайиши ёки тўлиқ маҳрум бўлиши ёки ўзини шундай ҳис қилишидир. Унинг дастлабки босқичи фрустрациядир. Фрустрация – лотинча фрустратио – алданиш, беҳуда кутиш, режаларнинг бузилиши, ўйлаган ишларни чиппакка чиқиши. Ўз кучи ва имкониятларига ишончни йўқотиш сабабли юзага келадиган руҳий тушкунлик ҳолати. Депривация – содда ифода этганда маҳрумлик ҳисси. Орзу-мақсадларига эришиш умидидан маҳрумлик, умидсизлик, тушкунлик кайфиятидир. Фрустрация ва депривация ҳолатларин олдини олишда мотивациянинг ўрни катта.

Мотивация (лотинча мовёре “ҳаракат қилиш” дан) ҳаракатга ундаш; инсон хулқ-атворини бошқарадиган, унинг йўналишини, ташкилийлигини, фаоллигини ва барқарорлигини белгиловчи психофизиологик жараён; инсоннинг ўз эҳтиёжларини фаол равишда қондириш қобилияти. Бугун мотивация ҳақида кўп ва хўп сўз юритилмоқда. Лекин мотивациядан, руҳлантириш, гўзал ишларга йўналтиришдан илгари тушкунлик ва умидсизлик кайфиятини бартараф қилиш муҳимдир.

Радикализм, экстремизм ва терроризм тушунчалари бежиз лотин тилидан кириб келмаган. Сабаби, ғарб тафаккурида ҳаётдаги барча қийинчиликлар сабаби сифатида ташқи омил кўрсатилади. Айбни инсон ўзидан эмас, ташқаридан излайди. Шунинг учун ҳам Жордано Бруно, Николай Коперник каби мутафаккирлар инквизиция азобига учраганлар. Жамиятдаги барча қийинчиликларни кимнидир зиммасига юклаш ва бунинг учун айбдорни излаш, уни топиш ва жазолашга интилиш мазкур дунёқарашнинг натижаси, ҳосиласидир. Радикал ва экстремистик гуруҳларнинг эътиқоди, ақидаси, дунёқарашидаги энг катта хато, адашиш ва янглишиш ҳам шунда.



Айбни ташқаридан: бошқа инсонлардан, миллат ва халқдан, жамият ва давлатдан излашда. Шарқона тафаккур, ислом фалсафаси ва маданиятининг ёндашуви инсон ўзи яхши, нияти ва амали гўзал бўлса олам ҳам яхши, жамият гўзал, давлат ҳам гўзал бўлади.

Шарқона тафаккурда:

Бошингга не келар бўлса, ўзганданмас ўзингдан бил,
Қабиҳ ният, ёвуз қилмиш, ёмон айтган сўзингдан бил.
деган тушунча ҳукмрон.

Алишер Навоий:

Агар эл қилмади ҳимоят сенга,
Ўзингдан керакдир шикоят сенга.

деб бежиз айтмаганлар. Афсуски, бу ҳақиқатдан бугун айрим кишилар, хусусан, ёшлар узоқлашди. Мусулмон дунёсидаги парокандалик, илмсизлик, касбу ҳунарга қизиқмаслик, ўз муваффақиятсизлигида айбни ўзидан эмас атрофдан излаш каби иллатлар турли ихтилоф ва зиддиятларга сабаб бўлмоқда. Бундан радикал ва экстремистик гуруҳлар ўзларининг ғаразли мақсадларига эришиш йўлида фойдаланмоқдалар.

Ёшларни радикал ва экстремистик ғоялардан ҳимоя қилишдаги энг муҳим омиллар:

- мустақил, танқидий, таҳлилий фикрлашни кучайтириш,
- дунё адолатли бошқарув тизимидан иборат эканини;
- ҳар бир инсон ниятининг поклиги, ҳаракатининг фаоллиги, ахлоқининг гўзаллигига қараб натижага эриша олишига қатъий ишончни шакллантиришдан иборат.

Мустақил фикрлаш – турли ёт ғояларга алданиб қолмасликка, таҳлилий фикрлар – ҳар қандай мураккаб вазиятда тўғри қарор қабул қилишга, танқидий фикрлаш – ўзгаларни айблаш эмас, балки ўз хатоларини кўра олиш ва уларни ўз вақтида бартараф этишга ундайди.

Радикализм ва экстремизм профилактикасида – ўта муҳим жиҳат бу ишонч масаласи. Миллат, халқ, жамият, давлат ва қолаверса, бутун дунё адолат мезони остида эканига, содда ифода этганда, ҳаёт тўлиқ адолат бошқарувига қурилганига қатъий ишонч. Бу ишонч:

- ҳалол меҳнат қилган инсон албатта кўзлаган натижага эришишини;
- ҳар бир қийинчилик ортида бир эмас икки енгиллик борлигини;
- дили поку тили поку қилаётган ишлари пок кимсага ҳеч қандай хавф-хатар йўқлигини ифодалайди.

Бу борада Президент Шавкат Мирзиёев томонидан олиб борилаётган беназир халқчил сиёсатнинг моҳиятини қатъият билан, тизимли равишда аҳолига, айниқса, ёшлар онгига етказиш ўта долзарбдир. Давлатимиз раҳбарининг 30 июнь - Ёшлар куни муносабати билан академик шоир Ғафур Ғулом тилидан Ўзбекистон ёшларига қарата “Сиз ахир осмонни олмоқ бўлсангиз, Не учун елкамни тутиб бермайин” дея мурожаат қилганларини англаш ва англатиш соҳада ишлаётган ҳар бир мутасаддининг доимий шиори, кундалик мақсадига айланиши зарур.



Радикализм ва экстремизмнинг келиб чиқиш омилларини бартараф этиш мақсадида:

Бу иллат:

- ишончсизликдан келиб чиқяптими – ёрқин келажакка ишонтириш;
- илмсизликдан келиб чиқяптими – билим олиш учун кўмакчи бўлишимиз;
- ишсизликдан келиб чиқяптими – Ўзбекистонда ёшлар таълими, тарбияси, касбу хунари учун яратилган шароитлардан унумли фойдаланишни ўргата олишимиз;
- бағриторлик, жиззакилик, ички норозиликдан келиб чиқяптими – бағрикенглик, толерантлик туйғуларини шакллантиришимиз ва мустақкамлашимиз зарур.

Радикализм ва экстремизм ҳар қандай мустақкам жамиятнинг илдиизига болта урадиган, қудратли давлатни заифлаштирадиган жиддий таҳдид, миллат келажagini хавф остига қўядиган, авлодлар бахтини поймол қиладиган иллатдир. Унинг профилактикасида: салбий оқибатларини олдиндан ҳис қила олишда, тегишли чоралар қўришда ва бартараф этишда шу юртни севадиган ҳар бир зиёли, ҳар бир мутасадди, ҳар бир онгли инсон тизимли ва тинимсиз ҳаракат қилиши бугунги даврнинг долзарб вазифасидир.

References:

1. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Васатийлик-ҳаёт йўли. – Тошкент: Ҳилол-нашр нашриёти, 2021.
2. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Очиқ хат. – Тошкент: Ҳилол-нашр нашриёти, 2021.
3. Диний мутаассиблик: моҳият, мақсадлар ва олдини олиш йўллари. // А.Ҳасанов ва бошқ. – Тошкент, 2017.
4. Дин ниқобидаги хуружлар: мафкура ва амалиёт/ К. Шермуҳаммедов. –Тошкент, 2017.
5. <http://www.president.uz>